



ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ (“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ МИСОЛИДА)

Ҳидиров Музаффар

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

ORCID: 0009-0009-4678-9864

muzaffarxidirov7575@gmail.com

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётдаги тижорат банкларидан бўлган “Микрокредитбанк” АТБнинг кредит фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлари, жумладан, активлар таркибида кредитлар ҳажми ва унинг улуши, шунингдек, активлар ва депозитлар ҳамда кредитларнинг ўзаро солиштирма ҳолатлари, кредитларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркиби ва умумий кредитларнинг имтиёзли ва тижорат кредитлари бўйича ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга кўра тузилиши ҳолатининг 2020-2024 йиллардаги динамикаси таҳлил қилинган. Шу билан бирга тадқиқот йўналишидаги назарий ва услубий жиҳатлар ўрганилган ҳолда хулосалар қилинган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, активлар, пассивлар, мажбуриятлар, капитал, депозит, кредитлар, кредит фаолияти, молиявий кўрсаткичлар.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ, ХАРАКТЕРИЗУЮЩИХ КРЕДИТНУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА (НА ПРИМЕРЕ АКБ “МИКРОКРЕДИТБАНК”)

Хидиров Музаффар

Денауский институт предпринимательства и педагогики

Аннотация. В статье анализируется динамика кредитной деятельности АКБ «Микрокредитбанк», одного из коммерческих банков в экономике страны, включая объем кредитов и их долю в структуре активов, а также сравнительное состояние активов, депозитов и кредитов, структура кредитов по отраслям экономики, структура общих кредитов по льготным и коммерческим кредитам, а также по физическим и юридическим лицам за 2020–2024 годы. При этом делаются выводы и разрабатываются предложения, изучая теоретико-методологические аспекты данного исследовательского направления.

Ключевые слова: коммерческие банки, активы, пассивы, обязательства, капитал, депозиты, кредиты, кредитная деятельность, финансовые показатели.

ANALYSIS OF THE STATE OF INDICATORS REPRESENTING THE CREDIT ACTIVITY OF A COMMERCIAL BANK (IN THE EXAMPLE OF JSCB "MIKROKREDITBANK")

Hidirov Muzaffar

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Abstract. *The article analyzes the dynamics of the credit activity of JSCB "Microcreditbank", one of the commercial banks in the national economy, including the volume of loans and their share in the structure of assets, as well as the comparative status of assets and deposits and loans, the structure of loans by sectors of the economy, and the structure of general loans by preferential and commercial loans, as well as by individuals and legal entities, in 2020-2024. At the same time, conclusions are drawn and proposals are developed, having studied the theoretical and methodological aspects of the research direction.*

Keywords: *commercial banks, assets, liabilities, liabilities, capital, deposit, loans, credit activity, financial indicators.*

Кириш.

Мамлакатимизда 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра фаолият юритаётган барча тижорат банклари орасида активлари ҳажми ва кредитдар миқдорига кўра 10-ўринда, давлат улуши мавжуд бўлган банклар орасида ушбу кўрсаткичлар бўйича 7-ўринда бўлган "Микрокредитбанк" АТБнинг ушбу санадаги муаммоли кредитлари ҳажми 804,4 млрд сўмни ташкил қилган. Бу миқдор ушбу банк кредит портфелининг 4,6 фоизини, барча тижорат банкларидаги муаммоли кредитларнинг 3,7 фоизини, давлат улуши мавжуд бўлган банклардаги ушбу тоифадаги кредитларнинг 5,6 фоизини ташкил қилган.

Ушбу санада NPLга доир рейтинг бўйича: биринчидан, "Микрокредитбанк" АТБ муаммоли кредитлар ҳажмига кўра тижорат банклари орасида 9-ўринни, давлат улуши мавжуд банклар орасида 7-ўринни; иккинчидан, кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг улуши бўйича барча банклар орасида 9-ўринни, давлат улуши мавжуд банклар орасида 3-ўринни эгаллаган. Бир жиҳатга эътибор бериш керакки, ушбу тузилган рейтингда банк ўрни қанчалик юқори бўлса бу шунчалик салбий ҳолат ҳисобланади. Шунга кўра, давлат улуши мавжуд банклар орасида мазкур банк активлари, кредитлари ва муаммоли кредитлари ҳажми бўйича 7-ўринда бўлган ҳолда муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги улуши бўйича 3-ўринда бўлиши (1-ўрин: Бизнесни ривожлантириш банки-8,5%; 2-ўрин: Агробанк-4,9%) банк кредит фаолияти натижадорлиги ва унинг банк молиявий барқарорлигига таъсири юзасидан ижобий ҳолат ҳисобланмайди.

Шу сабабли, тадқиқотимизда "Микрокредитбанк" АТБнинг кредит фаолияти билан боғлиқ амалий кўрсаткичлари ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни молиявий натижаларни шаклланишига ҳамда банкнинг молиявий барқарорликка эришишига таъсирини ўрганиш орқали тегишли хулосалар чиқариш ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалар сифатида белгиланган.

Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банкларининг кредит фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш менежментнинг бой назарий ва услубий тажрибасига ҳамда улар доирасида яратилган илмий тадқиқотларга асосланади.

Мищенко (2013) ўзининг "Россиядаги тижорат банкларининг кредит фаолияти: бошқарув ва тартибга солишнинг хусусиятлари"га бағишланган тадқиқотида қуйидагиларни билдириб ўтган: Айнан банк кредити ўзининг табиати ва таъминлаш

манбаларининг ўзига хос хусусиятларига кўра иқтисодий тизимда молиявий ресурсларни қайта тақсимлашда асосий роль ўйнайди. Тижорат банкларининг кредит фаолияти мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, давлатнинг ҳам хусусийни ҳам, шунингдек жамоа манфаатларининг объекти сифатида ҳаракат қилади. Кредит фаолияти табиатан тадбиркорлик хусусиятига эга бўлиб, макроиқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилашга ва кўпчилик хўжалик юритувчи субъектларга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишга қодир. Банк кредитининг бундай хусусияти энг аавало давлат томонидан, қолаверса тижорат банкларининг ўзалари томонидан ҳам уни тартибга солиш ва бошқаришнинг мураккаб тизмини шакллантиришни белгилайди. Айнан давлат банк кредитидан давлат сиёсатини амалга ошириш объектларидан бири сифатида фойдаланиб, унинг ривожланиш динамикасини белгилайди ва барқарорлигини таъминлайди.

Замонавий кредит фаолиятига тобора мураккаблашиб бораётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, технологиялар ва корпоратив бошқарув усулларининг ривожланиши, иқтисодий тизимларнинг глобаллашуви ва ижтимоий хавфларнинг тез тарқалиши каби омиллар таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатлар банк кредити соҳасидаги бошқарув фаолиятининг услубий асосларини ўзгартиришга, ушбу тизимга янги субъектларни киритишга ва уни бошқариш ҳамда тартибга солишнинг ташкилий тамойилларини қайта кўриб чиқишга ёрдам беради.

Юқоридаги назарий қарашларни мантиқий давом эттирган ҳолда, тадқиқотимиз доирасида “тижорат банкларининг кредит салоҳияти” тушунчасини ҳам тадқиқ қилиш тўғри бўлади.

Россиялик иқтисодчи олима Чеботарева (2018) фикрига кўра: тижорат банкларининг кредит салоҳияти – бу банкда сафарбар қилинган маблағлар суммасида ликвидлик захирани айириш орқали ўлчанади. Келажакда тижорат банкининг кредит фаолиятини амалга оширишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш имкониятларини ҳисоблаш ва шу билан бир вақтда ликвидлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда банк кредит салоҳияти барқарорлик даражасига кўра учта гуруҳга бўлинади:

❖ мутлақо барқарор маблағлар – бу банкда доимий равишда мавжуд бўлган ва банкнинг фаол операцияларини амалга ошириш учун мавжуд ҳажмда фойдаланиш мумкин бўлган маблағлар бўлиб, уларга банкнинг ўз маблағлари ҳамда маълум муддатга жалб қилинган маблағлар киради. Шунингдек, одатда улар узоқ муддатли кредитлар учун манба бўлиб ҳисобланади;

❖ барқарор маблағлар – бунга барча динамик ҳаракатлари ўрганилган мижозлар томонидан тақдим қилинган маблағлар киради. Бунда, банк томонидан исталган вақтда муайян активларга йўналтиришда эга бўлиши мумкин бўлган маблағларнинг ўртача миқдори ҳисоблаб чиқилади. Бу каби маблағларнинг ресурс манбаи сифатида “талаб қилиб олунгунгача” ҳисобварақлардаги, банк мижозларининг шахсий ва карта ҳисобварақларидаги ҳамда бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобланади;

❖ беқарор маблағлар – буларга банкда даврий равишда пайдо бўладиган ва динамик ҳаракатларини олдиндан прогноз қилиш имкони бўлмаган депозит маблағлари киради.

Тижорат банкининг кредит салоҳияти ва баланснинг ликвидлигини сақлаш бўйича самарали сиёсатни ишлаб чиқиш учун жалб қилинган ресурсларда белгиланган барча қонуниятлардан фойдаланиш зарур.

Кредит салоҳияти маблағлағларини тақсимлашнинг асосий мақсадларидан бири пул маблағлари манбаларининг яъни пасивларнинг банк активлари таркибига мос келишини таъминлашда иборат. Агар банк ўртача ҳисобда мажбуриятларнинг

муддатидан узоқроқ муддатга маблағларни тақдим этса, у маблағлар таркибини шошилиш равишда ўзгартириш чораларини кўришга мажбур бўлади. Ушбу трансформациянинг моҳияти ва зарурати кредит салоҳиятининг муддатийлиги банкда шаклланган депозитларнинг динамикасига мувофиқлашишига асосланиши лозимлигидир, бу эса банкнинг ликвидилигини таъминлаш демакдир.

Банкларнинг кредит фаолиятини таҳлилини амалга ошириш ва такомиллаштири бевосита кредит портфелини баҳолаш билан боғлиқ ҳисобланади.

Сорокина (2008) илмий изланиш натижаларига кўра, кредит фаолияти натижаларини баҳолаш учун ўрганилаётган банкнинг кредит кредит портфелининг ўсиш суръатларининг қиёсий таҳлилини рақобатчи банкларнинг кредит портфелларининг ўсиш суръатлари билан, шунингдек, ўртача ўсиш суръатлари билан ўтказиш мумкин. Бундай таққослаш ўрганилаётган банк позициясининг ҳудуд ёки миллий иқтисодиёт кредит бозорида шаклланган умумий тенденцияларга мувофиқлигини аниқлаш имконини беради.

Демак, агар рақобатчи банклар ва бошқа банкларда таҳлил даврида кредитлар кенгайиш фонида бўлсаю, ўрганилаётган банкда кредит портфелининг ўсиш суръати пасайган бўлса, бундай пасайишни аниқлаш ва уни ижобий (яъни мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан кам бўлмаган даражада) ўсиш ҳолатига олиб чиқиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимизда Бозоров (2025) ўз тадқиқотларида муаммоли кредитларни олдини олиш борасида ўз тавсияларини берга бўлиб, унга кўра: банклар миқдорларга кредит ажратишда қарз юки бўйича, миқдор даромадларидан оила аъзолари жон бошига тўғри келадиган минимал истемол харажатлари миқдорини чегирган ҳолда ортган қисмига мос келадиган (даромаднинг ушбу қисмидан кўп бўлмаган) тўлов графигини шакллантирадиган шартлар асосидаги кредит ҳажмини аниқлаш тартибини йўлга қўйиш самарали ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг мақсади “Микрокредитбанк” АТБнинг кредит фаолиятини ифодаловчи молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали кредит фаолияти самаарадорлигини оширишга қаратилга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот усулларида статистик маълумотларни жамлаш, умумлаштириш, қиёсий таққослаш ҳамда тизимли таҳлил кабилардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Навбатдаги 1-жадвалимизда “Микрокредитбанк” АТБнинг сўнгги беш йилликдаги активлар таркиби келтирилган. Унга кўра, банк активлари таркибида банкнинг миқдорларига берилган кредитларнинг салмоғи таҳлил даври бўйича ўртача 76,7 фоизни ташкил қилган бўлса, унинг энг юқори даражаси 2020 йилги кўрсаткич бўлиб 81,1 фоиздан иборат бўлган. Энг паст кўрсаткич 2024 йилда қайд этилган бўлиб, 71,9 фоизга тушган. Таҳлил даврида активлар таркибида кредитлар улушининг пасайиши фонида мос равишда ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар 4,7 фоизга, инвестициялар 0,7 фоизга, асосий воситалар 1,9 фоизга ва банкнинг бошқа активлари 2,9 фоизга улуш нуқтаи назаридан ошган. Демак, ушбу ҳолатда банкда фоизли даромад келтирувчи активлар улуши сезиларли даражада камайганини кўришимиз, бу эса банкда даромадлар барқарорлиги таъсир қилиши мумкинлигини англашимиз мумкин.


1-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБнинг 2020-2024 йилларда активлари таркиби

№	Активлар номи		31.12.2020	31.12.2021	31.12.2022	31.12.2023	31.12.2024	Тафовут
1.	Кассали активлар	трлн сўм	1,27	1,41	1,68	2,10	2,90	1,63
		%	12,3	10,4	10,0	11,0	12,3	0,0
2.	Мижозларга берилган кредитлар	трлн сўм	8,34	10,59	12,96	14,21	16,92	8,58
		%	81,1	78,6	77,2	74,6	71,9	-9,2
3.	Жами ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар	трлн сўм	0,19	0,41	0,67	1,12	1,53	1,34
		%	1,8	3,0	4,0	5,9	6,5	4,7
4.	Қимматли қоғозлари	трлн сўм	0,20	0,51	0,45	0,01	0,21	0,01
		%	2,0	3,8	2,7	0,1	0,9	-1,1
5.	Ҳамкорларга қилинган инвестициялар	трлн сўм	0,00	0,00	0,00	0,00	0,17	0,17
		%	0,0	0,0	0,0	0,0	0,7	0,7
6.	Асосий воситалар	трлн сўм	0,20	0,24	0,42	0,93	0,93	0,73
		%	2,0	1,8	2,5	4,9	3,9	1,9
7.	Бошқа активлар	трлн сўм	0,08	0,32	0,60	0,69	0,87	0,79
		%	0,8	2,4	3,6	3,6	3,7	2,9
Жами активлар (%)		трлн сўм	10,3	13,5	16,8	19,1	23,5	13,2
		%	100	100	100	100	100	---

Манба: “Микрокредитбанк” АТБнинг 2020-2024 йил ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Навбатдаги расм маълумотида банк активлари, кредитлари ва депозитларнинг беш йиллик динамикаси келтирилган.



1-расм. “Микрокредитбанк” АТБнинг 2020-2024 йилларда баъзи кўрсаткичлари динамикаси ҳолати

Манба: “Микрокредитбанк” АТБнинг 2020-2024 йил ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Расм маълумотларидан кўринадики, банк активлари таҳлил даври давомида 2,29 (23542,5/10282,9) баробарга, 2,03 (16924,6/8342,4) баробарга ва депозитлар 3,29 (7831,9/2382,7) баробарга ошган. Демак, таҳлил даврида кредитларнинг ўсиш даражасидан активларнинг ўсиш даражаси юқори бўлганлиги боис кредитларнинг активлардаги улуши тушиб кетишига олиб келган. Ушбу банк кўрсаткичлари ичида депозитларнинг ўсиш тенденцияси юқори бўлган бўлсада, унинг активларга нисбатини етарли даражада деб бўлмайди. Кредитлар ва депозитлар бўйича қайд этилган мазкур ҳолатлар уларнинг ўзаро нисбатларида ҳам кўзга ташланган. Хусусан, кредитларнинг депозитларга нисбати ушбу банкда таҳлил даври бошида 350,1% (8342,4/2382,7)ни ва 2024 йил 216,1% (16924,6/7831,9)ни ташкил қилган бўлиб, ушбу нисбатдаги кўрсаткичнинг сезиларли пасайишига кредитларнинг ўсиш даражасининг юқори бўлмаганлиги ва депозитларнинг ўсиши барқарор бўлганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБда кредитларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркибий тузилиши динамикаси

Иқтисодиёт соҳалари бўйича		2020	2021	2022	2023	2024	+/-
Саноат	млрд сўм	2025,8	1938,5	3630,1	3795,7	3825,7	1799,9
	улуши, %	23,7	17,9	27,3	26,3	22,3	-1,4
Қишлоқ хўжалиги	млрд сўм	1127,3	1749,1	1847,4	2471,3	2607,1	1479,8
	улуши, %	13,2	16,2	13,9	17,1	14,9	+1,7
Транспорт ва коммуникация	млрд сўм	366,5	268,6	180,8	275,7	254,7	-111,8
	улуши, %	4,3	2,5	1,4	1,9	1,5	-2,8
Қурилиш соҳаси	млрд сўм	374,2	339,9	192,2	858,9	1120,0	745,8
	улуши, %	4,4	3,1	1,4	6,0	6,4	+2,0
Савдо ва умумий овқатланиш	млрд сўм	757,8	1152,2	1435,3	924,9	1646,7	888,9
	улуши, %	8,9	10,7	10,8	6,4	9,5	+0,6
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	млрд сўм	1357,6	1366,6	999,2	191,2	253,8	-1103,8
	улуши, %	15,9	12,6	7,5	1,3	1,5	-14,4
Уй-жой коммунал хизмати	млрд сўм	107,6	2,1	104,8	573,3	754,9	647,3
	улуши, %	1,3	0,0	0,8	4,0	4,3	+3,0
Бошқа соҳалар	млрд сўм	27,3	914,3	347,4	4,2	0	-27,3
	улуши, %	0,3	8,5	2,6	0,0	0	-0,3
Жисмоний шахслар	млрд сўм	2395,8	3084,5	4581,4	5341,7	6953,3	4557,5
	улуши, %	28,1	28,5	34,4	37,0	39,9	+11,8
Жами кредитлар	млрд сўм	8539,8	10815,9	13318,6	14437,1	17416,4	8876,6
	улуши, %	100	100	100	100	100	0,0

Манба: “Микрокредитбанк” АТБнинг 2020-2024 йил ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги 2-жадвалда “Микрокредитбанк” АТБда кредитларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркибининг 2020-2024 йиллардаги динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра банк томонидан ажратилган кредитларнинг катта улушини юридик шахс сифатида фаолият юритаётган саноат соҳасидаги субъектларга берилганлари ташкил этади. Уларнинг улуши таҳлил даври давомида 1,4 фоизга тушган бўлсада, 2024 йилда 22,3 фоиздан иборат бўлган. Шунингдек, банк томонидан қишлоқ хўжалиги соҳаси субъектларига ажратилган кредитларнинг улуши ҳам бошқаларга қараганда юқори бўлиб 15 атрофидан ташкил қилган. Банк томонидан иқтисодиётнинг транспорт ва

коммуникация ҳамда моддий ва техника таъминотини ривожлантириш соҳалари учун ажратилган кредитлар улуши умумий кредит портфелида энг паст улушга эга бўлиб, ушбу икки соҳанинг ҳам улуши 2024 йилда 1,5 фоиз бўлган. Банкда иқтисодиётнинг уй-жой коммунал хизмати соҳасига ажратилган кредитларнинг улуши таҳлил даврида энг юқори даражада, яъни 3 фоизга ошган ҳолда 4,3 етган.

3-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБда кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси

Кредит турлари		31.12.2020	31.12.2021	31.12.2022	31.12.2023	31.12.2024
Жами кредитлар	млрд сўм	8539,8	10815,9	13318,6	14437,1	17416,4
	улуши	100%	100%	100%	100%	100%
	фоиз ставкаси	14,9%	15,9%	14,3%	14,9%	15,8%
Имтиёзли кредитлар	млрд сўм	5853,4	3402,3	4891,6	5500,4	11244,2
	улуши	68,5%	31,5%	36,7%	38,1%	64,6%
	фоиз ставкаси	10,6%	6,7%	12,5%	13,1%	12,7%
Тижорат кредитлари	млрд сўм	2686,4	7413,6	8427,0	8936,7	6172,2
	улуши	31,5%	68,5%	63,3%	61,9%	35,4%
	фоиз ставкаси	24,1%	20,2%	15,3%	16,0%	21,6%
Жисмоний шахслар бўйича жами кредитлар	млрд сўм	2395,8	3084,5	4581,4	5341,7	6953,3
	улуши	28,1%	28,5%	34,4%	37,0%	39,9%
	фоиз ставкаси	17,6%	15,9%	16,3%	16,6%	17,7%
Жисмоний шахсларга берилган имтиёзли кредитлар	млрд сўм	1419,3	1749,4	2896,0	3444,6	5211,6
	улуши	16,6%	16,2%	21,7%	23,9%	29,9%
	фоиз ставкаси	12,2%	13,0%	13,4%	13,9%	14,4%
Жисмоний шахсларга берилган тижорат кредитлари	млрд сўм	976,5	1335,1	1685,4	1897,1	1741,7
	улуши	11,4%	12,3%	12,7%	13,1%	10,0%
	фоиз ставкаси	25,5%	19,6%	21,5%	21,4%	27,5%
Юридик шахслар бўйича жами кредитлар	млрд сўм	6144,0	7731,4	8737,3	9095,4	10463,1
	улуши	71,9%	71,5%	65,6%	63,0%	60,1%
	фоиз ставкаси	13,8%	15,9%	13,2%	13,9%	14,6%
Юридик шахсларга берилган имтиёзли кредитлар	млрд сўм	4434,0	1653,0	1995,7	2055,8	6032,6
	улуши	51,9%	15,3%	15,0%	14,2%	34,6%
	фоиз ставкаси	10,1%	0,0%	11,3%	11,6%	11,2%
Юридик шахсларга берилган тижорат кредитлари	млрд сўм	1710,0	6078,4	6741,6	7039,6	4430,5
	улуши	20,0%	56,2%	50,6%	48,8%	25,4%
	фоиз ставкаси	23,2%	20,3%	13,7%	14,5%	19,3%

Манба: “Микрокредитбанк” АТБнинг 2020-2024 йил ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқорида қайд этилган ҳолат яъни, банкда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар улушининг ортишини банк молиявий барқарорлигига қай даражада хизмат

қилишига кредитлар таркибидаги имтиёзли кредитлар миқдори ва шу билан бирга кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари бевосита таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади. Шу мақсадда келтирилган, 2.3.6-жадвалда банкдаги кредитларнинг имтиёзли ва тижорат кредитлари бўйича таркиблари ва улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таҳлил даври давомида миқдоран 2,9 (6953,3/2395,8) баробар ошган ҳолда, унинг умумий кредитлардаги улуши 11,8 фоизли пунктга ёки 1,42 (39,9%/28,1%) баробарга ошган. Жами кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 0,9 фоизли пунктга кўтарилиб 15,8% га етган бўлсада, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ушбу даврда атиги 0,1 фоизли пункт кўтарилиб 17,7% ни ташкил қилган. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоизнинг кўтарилиш даражаси умумий кредитлар бўйича фоиз ставканинг кўтарилиш даражасидан паст бўлганлигига сабаб бўлиб, умумий кредитлар таркибида таҳлил даври давомида жисмоний шахсларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг миқдори 3,67 (5211,6/1419,3) баробарга ва уларнинг улуши эса 13,3 фоизли пунктга ошиб 29,9 фоизга етган, яъни унинг улуши ҳам сезиларли даражада (1,8 баробарга) ошган. Аммо, улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка умумий кредитлар ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларидан таҳлилнинг барча даврида паст бўлган. Натижада, ушбу паст фоизли имтиёзли кредитларнинг улушининг ортиши жисмоний шахслар бўйича берилган умумий кредитларнинг тортилган фоиз ставкасининг нисбатан паст даражада ўсиш суръатига эга бўлишига олиб келган.

Бундан ташқари жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, банкда барча имтиёзли кредитларнинг улуши 2020 йилда 68,5% ни ташкил қилган бўлса, 2021 йил якуни ҳолати бўйича унинг улуши тижорат кредитлари билан тескари даражада ўрин алмашган ҳолда 31,5% га тушган ҳамда мос равишда ушбу бир йил ичида тижорат кредитларининг улуши 31,5% дан 68,5% га ошган. Бу ҳолат банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставканинг кўтарилиши нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо мазкур ҳолатда умумий кредитлар бўйича тортилган ўртача фоиз ставкаси 1 фоизли пунктга ошиб 15,9% ни ташкил қилган ва кредит таркибининг кескин ўзгаришига мутаносиб равишда сезиларли даражада ошмаган. Бунга сабаб эса, 2021 йилдаги имтиёзли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2020 йилга нисбатан 3,9 фоизли пунктга пастлаган ҳолда 6,7% бўлганлиги ва шунинг билан бирга тижорат кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳам 3,9 фоизли пунктга пасайиб 20,2% ни ташкил қилганлигидир. Яна бир жиҳат борки, 2021-2023 йиллар давомида банкда тижорат кредитларининг улуши юқорилиги сақланган ва 2024 йилги кўрсаткичларга кўра ушбу йилда имтиёзли кредитларнинг миқдори кескин ошган ҳамда унинг улуши 64,6% гача кўтарилган бўлсада, банкдаги кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка кўтарилган. Аслида, агар аввалги йилдаги каби имтиёзли ва тижорат кредитлар бўйича фоиз ставкалар ўзграмас бўлганда, имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставканинг мазмунан паст бўлишлиги ва унинг улушининг кескин ортишининг ҳисобига банкда умумий кредитлар бўйича фоиз ставкалар кескин тушишига олиб келиш керак эди. Аммо банкда бу каби кутилмага нисбатан тескари ҳолат юз берган, бунга сабаб бўлиб эса тижорат кредитларининг улуши пасайган бўлсада, улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка 6,6 фоизли пунктга ошган ҳолда 21,6% ни ташкил қилганлигидир.

Банкда юридик шахсларга ажратилган умумий кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси жами кредитлар бўйича тортилган фоиз ставкадан таҳлилнинг деярли барча даврларида (фақатгина 31.12.2021 ҳолатидан ташқари) паст бўлган. Бироқ 31.12.2021 йил ҳолатида эса, умумий кредитлар таркибида 71,5% улушга тенг бўлган юридик шахслар бўйича ажратилган кредитлар таркибида тижорат кредитларнинг

миқдори аввалги йилга нисбатан 3,55 (6078,4/1710,0) баробарга ошган ҳолда унинг юридик шахсларга берилган кредитлардаги улуши 78,6% (6078,4/7731,4) ни ташкил қилган. Шунингдек ушбу кредитлар бўйича фоиз ставка аввалги йилга нисбатан 2,9 фоизли пунктга пасайган ҳолда 20,3% бўлганлиги (бу ҳолатда юридик шахслар бўйича умумий кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси аслида агар унинг улуши ўзгармас бўлганда тушиши керак эди, аммо унинг миқдори ва улуши сезиларли даражада ошган) ҳамда юридик шахслар бўйича имтиёзли кредитларнинг улуши 21,4% бўлганлиги умумий ҳолатда юридик шахслар бўйича ўртача тортилган фоиз ставканинг 2,1 фоизли пунктга ошган ҳолда 15,9% ни ташкил қилишига сабаб бўлган. Бу ставка эса бутун банк бўйича умумий кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкасига тенг бўлган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, яъни банкдаги умумий кредитлар ҳажмининг ўсиши, кредитлар таркибида имтиёзли ва тижорат кредитлари улушининг ўзгариши, улар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариш тенденцияси, кредитлар таркибида жисмоний ва юридик шахслар учун ажратилган кредитлар улушининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолатларнинг мантиқан бозор принциплари мос равишда жами кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларига вазиятнинг моҳиятига мутаносиб равишда тўғри пропорционал таъсирини кузатиб бўлмайди. Чунки ушбу кўрсаткичларнинг бирининг ўзгаришининг умумий кўрсаткич (яъни тобе ўзгарувчи) ҳисобланган ўртача тортилган фоиз ставкага таъсирини унга боғлиқ бўлган бошқа кўрсаткичнинг нобарқарор ёки биринчи таъсир қилувчи кўрсаткичга мос равишда мантиқан мутаносиб ўзгармаганлиги аҳамиятсизлантирган. Мисол учун, жами имтиёзли кредитларнинг 2024 йилда улуши 64,6% га кескин ошган ва у бўйича фоиз ставкаси 0,4 фоизли пунктга пасайган, ушбу ҳолат мантиқан жами кредитлар бўйича фоиз ставканинг тушишига олиб келиш керак бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирилди:

- халқаро тажрибага кўра, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан кредитларнинг депозитларга нисбати бўйича тавсиявий миқдор 70-90 фоиз оралиғида бўлиши қайд этилган. Шу нуқтаи назардан банкдаги ушбу нисбат бўйича тенденция ижобий жараён ҳисоблансада, мавжуд ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди;

- иқтисодиёт соҳалари бўйича кредитлар таркибида жисмоний шахслар учун ажратилган кредитларнинг улуши таҳлил даврида йилма-йил ўсиб борган бўлиб, 2020 йилдаги 28,1 фоизлик улуш 2024 йилга келиб 39,9 фоизга кўтарилган. Шу сабабли банкда юридик шахс сифатидаги мижозларга ажратилган кредитлар салмоғи мос равишда пасайиш тенденциясига эга бўлган;

- тижорат кредитларининг улуши тушиши фонида улар бўйича фоиз ставканинг 5 фоизли пунктга кескин ортиши таъсирида жами кредитлар бўйича тортилган фоиз ставка 0,9 фоизли пунктга кутарилган. Биз эса, имтиёзли кредитларнинг улуш нуқтаи назаридан устунликка чиққанлиги ва ставкаси пасайганлиги фонида тескари тенденцияга кутилма қилганмиз. Шу каби ҳолатлар банкдаги кредитларнинг таркибий тузилишини реструктуризация қилиш орқали бошқаришнинг самарадорлиги қай ҳолатда натижадор бўлганлигини изоҳлайди;

- бизнингча банкда кредитларни ушбу йўналишда бошқаришда фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида кредитлар бўйича фоизлар ўзгаришида мувофиқлик ҳамда кредитлар турлари бўйича рискларни ҳисобга олган ҳолда оптимал нисбатларни белгилашда бозор принципларининг мантиқини сақлаш аҳамиятли ҳисобланади.

Бу борада олиб борилаётган тадқиқотларга кўра маҳаллий тижорат банкларимиз учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

➤ банк томонидан даромад келтирувчи активларнинг умумий актилардаги оптимал улушини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши лозим ҳисобланади;

➤ кредитга лаёқатлиликини ўрганаётганда мижоз ва биргаликда қарз олувчларининг мавжуд кредитлари ва кафолатларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган кредит бўйича ойлик тўловни ҳисоблаш усулини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар /Литература/References:

Бозоров Р. (2025) Тижорат банкининг кредитлаш амалиёти билан боғлиқ молиявий кўрсаткичлар таҳлили (Миллий банк мисолида). In *Ilg'or iqtisodiyot va pedagogik texnologiyalar*. <https://doi.org/10.60078/3060-4842-2024-vol1-iss3-pp186-193>

Бозоров, Р. (2022). Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг хориж тажрибаси (ICBC банки мисолида). *Архив научных исследований*, 2(1).

Сорокина И.О. (2008) Методические подходы к анализу и оценке кредитного портфеля банка внешними пользователями. *Финансы и кредит*. 42 (330). – 15-25 с.

Мищенко А.В. (2013) Кредитная деятельность коммерческих банков в России: специфика управления И регулирования. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата социологических наук. Ростов-на-Дону. – 31 с.

Проняева Л.И., Парушина Н.В. (2023) Управление финансовыми рисками в кредитной деятельности коммерческих банков // *Вестник Академии знаний*. № 2 (55). С. 363.

Чеботарева, Г.С. (2018) Организация деятельности коммерческого банка : учеб. пособие / Г. С. Чеботарева; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та. – 120 с.